

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАННОТОВ ЭЛБЕК АБДУМАЖИТОВИЧ

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА
ЭКСКУРСИЯ ТУРИЗМИ ВОСИТАСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК
ТУЙҒУСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Умумий ўрта таълим мактабининг 5-9-синф ўқувчилари мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Абдуманнотов Элбек Абдумажитович

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида
ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш (умумий ўрта таълим
мактабининг 5-9-синф ўқувчилари мисолида)..... 3

Абдуманнотов Элбек Абдумажитович

Совершенствование чувства патриотизма учащихся средних
общеобразовательных школ посредством экскурсионного туризма (на
примере учащихся 5-9 классов общеобразовательных школ)..... 25

Abdumannotov Elbek Abdumajitovich

Improving the mechanisms of education in secondary school students in the spirit
of patriotism through excursions and tourism (on the example of grades 5-9 of
secondary schools) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАННОТОВ ЭЛБЕК АБДУМАЖИТОВИЧ

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА
ЭКСКУРСИЯ ТУРИЗМИ ВОСИТАСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК
ТУЙҒУСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Умумий ўрта таълим мактабининг 5-9-синф ўқувчилари мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1232 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусурманова Айниса
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳмудов Мэлс Ҳасанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Фурқат Қўлдошев
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10" сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2021 йил "30" октябрь кuni тарқатилди.
(2021 йил "30" октябрь даги 5 - рақамли реестр баённомаси).



Х.И. Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Ш.Р. Ураков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.ф.д., (PhD).

Н.Ш. Шодиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ривожланган мамлакатлар туризм тармоғи инфратузилмасини ривожлантиришда жамият, турли халқлар тарихи, миллий ва умумбашарий қадриятлари, маънавий-маърифий талаблари ҳамда обидаларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тасарруфидаги Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) UNWTO – (United Nations World Tourism Organization) томонидан ёшлар туризмни жаҳон миқёсида ривожлантиришда турли халқаро ташкилотлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Дунё миқёсида таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги минтақавий, субминтақавий ҳамкорликни юксалтириш масалаларининг юзага келиши туфайли жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришга доир илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, туризм тармоғи ривожини илғор хорижий тажрибаларга таяниб, фан ва технология ютуқлари билан ҳамоҳанг тарзда илмий таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш, зиёрат туризмни стратегик режалаштириш билан боғлиқ кўникма-малакаларини таълим ва тарбия интеграцияси асосида шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Республикамизда ҳар бир ҳудуднинг анъанавий миллий, тарихий туризм маданияти хусусиятларидан келиб чиқиб, ёшлар туризми, волонтерлик туризми, велотуризм, таълим туризмни жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгида миллий урф-одат ва маросимлар, анъаналарни тарғиб қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Мамлакатда таълим тизимини ривожлантириш ва узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида “ўқувчилар ўртасида ички туризмни ривожлантириш – «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» шиори остида саёҳатлар ташкил этиш, ёшларда Ватанга садоқат каби фазилатларни болаликдан бошлаб, босқичма-босқич шакллантириш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада туризм турларининг ўзига хос хусусиятлари, экскурсия туризмни ташкил этишнинг даврийлиги, босқичларини тизимлаштириш, бу орқали ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш технологияларини мазмунан бойитиш, педагогик ҳамкорлик хусусиятларини белгилаш, педагогик фаолиятни оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 февралдаги ПФ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори.

тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ватанпарварлик тарбиясининг ижтимоий, фалсафий, тарихий, психологик, педагогик ва социологик жиҳатлари файласуф, диншунос, шарқшунос, адабиётшунос, тарихчи, педагог, сиёсатшунос олимлар томонидан ўрганилган. Шунингдек ватанпарварлик тарбияси муаммо сифатида тарихий характер касб этиб, бу борада Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Амир Темур, Маҳмуд Қошғарий, Унсурулмаолий Кайковус каби мутафаккирлар томонидан яратилган илмий ва дидактик манбалар тарбияшуносликда алоҳида аҳамият касб этади.

Файласуф олимлардан И.Мўминов, Қ.Назаров, Ж.Туленов, М.Хайруллаев, Э.Юсупов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида замонавий шахсни тарбиялашда халқ педагогикаси ғояларининг ўрни ўз ифодасини топган. Шунингдек, О.Сафарбаев, А.Ташанов, К.Усмонов, Э.Қалқонов, Р.Қурбанов каби олимларнинг тадқиқотларида эса ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг талқини ўз ифодасини топган.

Педагог олимлар Н.Артиков, Ш.Атаджанова, Х.Ибрагимов, З.Исмоилова, Б.Мирзалимов, А.Мусурманова, С.Нишонова, А.Соҳибов, Ҳ.Тожибоева, А.Чориев, Б.Шермуҳаммадов, Н.Шодиев, М.Қуроновларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари, уларда миллий ғурур, ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари илмий талқин қилинган.

Туризм соҳасини иқтисодий ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари М.Алимова, Н.Ибрагимов, Б.Камолов, Д.Норкулова, С.Рўзиев, Н.Сафарова, Н.Шамуратова, О.Ҳамидов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг психологик омиллари, шахснинг билиш психик жараёнлари ва унинг ривожланиши каби масалалар психолог олимлар З.Абидова, В.Каримова,

И.Раҳимова, М.Саипова, Д.Собирова, Э.Ғозиев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Хорижий ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Н.Л. Березницкая, Э.Бетти, Э.Биккерман, Клавихо Руи де Гонсалис, Конфуций, Н.В. Пивоварова ва бошқаларнинг ишларида ватанпарварлик тушунчасининг назарий асослари, луғавий семантик мазмуни, бу туйғуларни таркиб топтиришнинг ижтимоий ва маънавий қирралари, ватанпарварлик тарбиясининг субъектив асослари, туризм маданиятини шакллантиришда педагогик инновациялар ўрганилган.

Миллий маданият ва кадриятлар В.Беспалько, Б.Лихачёв, В.Розин, Ю.Семёнов; ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш масалалари Ш.Амонашвили, Л.Виготский, Р.Немов, И.Подласий каби олимларнинг илмий изланишларида ўрганилган. Г.И. Афонин, М.А. Гордина, А.И. Новиков, М.В. Соколова, М.А. Швецова каби олимлар томонидан фалсафий-маънавий тушунча, ўқувчи шахсининг шаклланишида экскурсия туризмни ривожлантиришнинг имкониятлари, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий зиддиятлар тизимида яшаш услуби тарзида таҳлил этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асосларни LOGFREIM технологияси, TIMSS, PISA, PIRLS дастурлари асосидаги дидактик имкониятлари мазмун-моҳиятини очиб бериш, шахсининг ўз-ўзини англаши ва ўз мустақил фикрининг ривожланиши билан боғлиқ илмий тадқиқот ишини олиб бориш долзарблик касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги
Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаси 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлари” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаби 5-9-синф ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммога оид илмий-педагогик, назарий, социологик, фалсафий манбаларни, педагогик назария ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш асосида экскурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлигини асослаш;

туризм турларининг ўзига хос хусусиятлари, экскурсия туризмни ташкил этишнинг даврийлиги, босқичларини яхлит ёндашув асосида тизимлаштириш;

экскурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш технологияларининг дидактик, аксиологик ва акмеологик мазмунини бойитиш;

Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришда педагогик ҳамкорлик ва интеграция омилларининг хусусиятларини белгилаш асосида унинг яхлит андозасини ишлаб чиқиш, самарали шакл, восита ва услубларини аниқлаш;

таълим инфраструктураси, интеграцияси, шарт-шароитлари, талаблари ва хусусиятларини аниқлаштириш асосида мавжуд тизимдаги педагогик фаолиятни оптималлаштириш, замонавий инновацион моделини яратиш, амалиётга татбиқ этиш, илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва самарадорлик даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида экскурсия туризми воситасида 5-9-синф ўқувчиларининг ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бўлимларига қарашли умумтаълим мактабларининг 407 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғуларини такомиллаштириш мазмуни, шакл, восита, усуллари ва омилларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлардан (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда экскурсия туризми шаклланишининг қадимги тамаддун, ислом ва ўрта аср маданияти, мустақиллик даври каби тарихий босқичлари ватанпарварлик тарбияси жараёнининг даврий ёндашувлари (тарихий-тадрижий, ижтимоий, илмий-педагогик)га устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш шакл ва методлари мазмуни “таълим муассасаси–оила–маҳалла” ҳамкорлигининг экскурсия ва туризмга оид саёҳатлар, тадбирлар, маросимлар, байрамлар каби функцияларини киритиш асосида очиқ берилган;

экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш механизми умумий ўрта таълим мактаблари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг педагогик мотивацияси омиллари (жараён, натижалилик, баҳоланиш, зиддиятдан қочиш) ва тамойилларини (устуворлик, самарадорлик, йўналганлик, асослилик) аниқлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусининг шаклланганлик даражасини баҳолаш технологияси туризмга оид индикаторлар (туризм турлари, географик саводхонлик, қадамжолар, обидалар) ва маънавий тарбия

фазилатлари (дахлдорлик, садоқат, бурч каби) интеграциясига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ва таълим муассасалари Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида “Ёш ватанпарвар саёҳатчи” тўғараги фаолияти Дастури ишлаб чиқилган;

экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ҳамда амалиётга татбиқ этишнинг яхлит механизми тавсия этилган;

экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган, тадқиқотда илгари сурилган ғоя ва тавсиялардан “Тарбия” ва “Ўзбекистон тарихи”, “География”, “Адабиёт” каби фанларнинг тегишли бўлимлари мазмуни бойитишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги экскурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришга доир илмий-назарий ёндошувлар, қарашлар ва ғоялар, жаҳон тажрибаси ўрганилгани, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усулларида фойдаланилгани, методик таъминот амалиётга жорий этилгани, тажриба-синов ишлари репрезентативлиги (сон ва сифат жиҳатидан генерал мажмуаларга ўхшаш бир қисм мажмуани ҳосил қилиш.), математик-статистик таҳлил тадқиқот самарадорлигини тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришга доир таълим мазмуни бойитилганлиги, дидактик имкониятлари ўрганилганлиги, инновацион технология, интерфаол метод, шакл ва воситаларни қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, уларнинг тажриба-синовдан ўтказилганлиги, таклиф этилган тўғарак фаолиятининг самарадорлиги аниқланганлиги, назарий ёндошувлар, педагогик андоза, қарашлар ва ғоялар жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар доирасида ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ва таълим муассасалари Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Ёш ватанпарвар саёҳатчи» тўғараги фаолияти Дастури ишлаб чиқилгани, таълим жараёни мазмуни такомиллаштирилгани, ўқув ва маънавий-маърифий фаолият янгича ёндошувлар асосида ташкил этилгани, ёшлар туризмини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялардан соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, ёшлар, тадқиқотчилар, фуқаролик жамияти институтлари мутасаддилари ўз амалий фаолиятида фойдаланишлари мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик

туйғусини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг шакл ва методлари мазмуни, “таълим муассасаси–оила–маҳалла” ҳамкорлигининг экскурсия ва туризмга оид функциялари, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусининг шаклланганлик даражасини баҳолаш технологияси, туризмга оид индикаторлар (туризм турлари, географик саводхонлик, қадамжолар, обидалар) ва маънавий тарбия фазилатлари интеграциясига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89-03-5448-сонли маълумотномаси). Натижада, “таълим муассасаси–оила–маҳалла” ҳамкорлигининг экскурсия ва туризмга оид функцияларини амалга ошириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистонда экскурсия туризми шаклланишининг тарихий босқичлари (қадимги тамаддун, ислом ва Ўрта асрлар маданияти, мустақиллик даври), ватанпарварлик тарбияси жараёнларининг даврий ёндашувларига (тарихий-тадрижий, ижтимоий, илмий-педагогик) оид таклиф ва тавсиялардан ёшлар туризмини ривожлантиришга қаратилган ички туризм дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ички туризм йўналишларини ёш авлод орасида тарғиб қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 19 ноябрдаги №02-16/5483-сонли маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактаблари, “Баркамол авлод” болалар маркази тўғарак раҳбарлари, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар ҳамда туризм фаолияти билан шуғулланувчи маъсуллар фаоллигини оширишга эришилган;

экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш механизми, умумий ўрта таълим мактаблари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг педагогик мотивацияси омиллари (жараён, натижалилик, баҳоланиш, зиддиятдан қочиш) ва тамойилларини (устуворлик, самарадорлик, йўналганлик, асослилик) аниқлаштиришга оид тавсиялардан А-1-30 рақамли “Миллий тимсоллар ва рамзлар энциклопедиясини нашрга тайёрлаш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 4 июлдаги № 133-26.02 сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган ёшлар туризмини ривожлантиришга оид методик таклиф ва тавсиялар соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, ёшлар, тадқиқотчилар, фуқаролик жамияти институтлари мутасаддилари ўз амалий фаолияти ва ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан «Ёш ватанпарвар саёҳатчи» тўғарак фаолияти дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва методологик асослари, педагогик шарт-шароитлари, амалиётдаги аҳволи ва дидактик имкониятлари илмий-назарий таҳлил қилинган.

Бугунги кунда республикаимиз аҳолисининг барча қатламларига мўлжалланган ички туризмни жадал ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, туризм инфратузилмаси объектлари, яъни тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари саёҳатлар ташкил этиш орқали умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва истеъдодини қўллаб-қувватлаш, экскурсия туризми воситасида ўқувчи-ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Буларнинг барчаси бир бутун тарзда, умумий ўрта таълим мактабларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш масалалари ҳукуматимизнинг ёшларни маданий соғломлаштириш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида олиб бораётган ислохотларида ўз аксини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида:

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи “Ўзбекистон ёшлари–2025” концепциясини ишлаб чиқиш (худудий ҳолатдан келиб чиқиб лойиҳа тақдим этиш);

жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватангизни кўз қорачиғидек асранг!” деган шиор фуқароларимиз қалбидан чуқур жой олиши;

мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш;

ўқувчилар ижтимоий-сиёсий фаоллигини миллий маданий кадриятларимиз талабларига мос ҳолда шакллантириш;

умуминсоний ва миллий демократик кадриятларга содиқлик асосида замонавий кенг дунёқараш ва бағрикенгликни ривожлантириш;

ўқувчиларда экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш негизида мафкуравий иммунитет ва миллий ўзликни англашни шакллантириш замирида ватанпарварлик туйғуларини сингдириш устувор ва долзарб вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган.

Демак, ҳар қандай ижтимоий, иқтисодий ҳодиса каби туризм ривожланишини тадқиқ этишда, энг аввало, унга назарий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга қаратилган фаолият моҳиятини ёритишда “туризм”, “экскурсия”, “ватанпарварлик” каби тушунчалар таянч тушунчалар сифатида намоён бўлади. Шу сабабдан илмий тадқиқот ишимизда белгилаб берилган вазифаларни тўғри йўналишда олиб боришимизда “туризм”, “экскурсия”, “ватанпарварлик” каби тушунчаларни таянч тушунчалар сифатида моҳиятини англаб олишимиз лозим.

Илмий адабиётлар таҳлили кўрсатдики, туризм сўзи француз тилидан олинган бўлиб “туризм (*tourisme*, от *tour*) “айланиш”, “қидириш”, “саёҳат” деган маъноларни билдиради.

В.Ганский, Е.Андрейчик каби олимларнинг фикрича, туризм ҳар доим ёшларнинг дунёқарашини тарбиялаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзини таъминловчи, кучли тарбия воситаси бўлган ва бўлиб қолади.

Шундан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида экскурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари:

ўтмиш воқеалари занжирини яратиш, тиклаш ва ривожлантириш;

дунё цивилизацияси кетма-кетлигини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали жаҳон маданиятини ўрганиш;

миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, тарихий меросимиз манбаларига таяниб ўқувчиларнинг билим ва тасаввурларини ривожлантириш қонуниятларини таҳлил қилиш;

тарихий ва миллий хусусиятлар контекстида ўқувчиларни меҳмондўстлик, байналминал дўстлик, маданиятлараро минтақавий ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;

интернет тармоғи, жумладан республиканинг барча шаҳарларида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида ташқи реклама воситаларини (баннерлар ҳамда ташқи экранлар учун роликлар) тайёрлаш ва ўрнатиш йўли билан ички туризмни кенг тарғиб қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон туризм бренди ва “Uzbekistan.travel” сайти рекламаси бўлган босма маҳсулотларни (хариталар, рисодалар, буклетлар, флайерлар ва бошқалар), сувенир ва қадоклаш маҳсулотларини (сумкалар, пакетлар, мактаб дафтарлари, ёрликлар, ғилофлар, кийим-кечаклардаги ва ошхона анжомларидаги ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтирилайдиган ички туризмни янада ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмаларини такомиллаштириш мақсадида ҳудудларда кичик туризм зоналарини ташкил этиш кабилардан иборат бўлиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида экскурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш тушунчасини асос қилиб олган ҳолда, “ватанпарварлик” терминининг моҳиятини ҳам очиб бериш тадқиқот ишининг муҳим таркибий қисмини ўзида ифода этади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ватанпарварлик” сўзига қуйидагича таъриф берилади: “Ватанга ғамхўрлик қилувчи. Ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, Ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи”. “Ватанпарварлик” эса “ватанпарварларга хос иш, хатти - ҳаракат, хислат” тарзида талқин қилинади.

Кузатиш ва таҳлилларимизга таяниб айтиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш замирида уларни Ватанимиз мустақиллигини қадрлаш руҳида тарбиялаш, республикамизнинг ҳудудий имкониятларидан келиб чиқиб, ёшлар туризминини янада ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмаларини такомиллаштириш мазмунида миллий урф-одат ва анъаналар, миллий менталитет ўз ифодасини топган экскурсия туризмнинг ижтимоий мақомини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Экскурсия” атамасига (лотинчадан “excursio”- сайр қилиш) “билимни бойитиш, амалий тажриба ҳосил қилиш ёки маданий-маърифий мақсадда диққатга сазовор жойларга жамоа бўлиб бориш” дея таъриф берилади.

Илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган дарслик, педагогик-психологик адабиётлар ва илмий-тадқиқот ишларига асосланиб айтиш мумкинки, экскурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш уларда келажакка нисбатан ишонч уйғотиш, маънавиятини миллий ғоя асосида шакллантириш, Ватанга, халққа муҳаббат, юрт фаровонлиги учун курашиш, инсонпараварлик, ўзликни англаш, миллий ғурур, ўзга миллат кишилари ва уларнинг қадриятларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни тарбиялаш, виждон эркинлиги, билимдонлик, ахлоқийлик,

жисмоний етуклик, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Тадқиқот жараёнида педагог, психолог, философ, тилшунос ва адабиётшунос, социолог, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш натижасида “экскурсия туризми” ва “ватанпарварлик” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини етарлича ўрганишга муваффақ бўлдик. Бу эса, “ўқувчиларда экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш” тушунчасининг педагогик мазмуни типологиясини яратиш учун асос бўлди.

Мазкур типология асосида (типология билиш методи бўлиб, унинг асосида объектлар тизимини тақсимлаш ва идеал моделлар ёки типлар ёрдамида уларни кейингилар учун гуруҳларга ажратиш, шунингдек, типологик тасвирлаш ётади) умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш модели диссертациянинг тажриба-синов ишлари босқичида илмий-назарий гипотеза тарзида амалиётга татбиқ этилди ва синовдан ўтказилди. “Мактаб-маҳалла-оила” ҳамкорлик стратегияси мазмуни асосида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда узвийликни таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди.

Муаллифлик ёндашуви асосида “умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш” тушунчасининг педагогик мазмунини қуйидагича тасниф этдик: умумий ўрта таълим мактаби → ўқувчи ёшлар → жамият → ватанпарварлик туйғусини шакллантириш → ўз ўзини англаш → ички туризмни ривожлантириш → халқаро туризм → кировчи туризм → чиқувчи туризм → рекреацион туризм → соғломлаштирувчи дам олиш туризми → илмий туризм → малакавий иш туризми → спорт туризми орқали → ўқувчиларни ўз аجدодлари ва Ватани тарихини билиши → “Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Хива — Нукус”; “Тошкент — Гулистон — Жиззах — Самарқанд — Қарши — Термиз”; “Қўқон — Фарғона — Андижон — Наманган” вилоятларига мактаб, оила, маҳалла билан ҳамкорликда зиёрат туризмини ривожлантиришда узвийликни таъминлаш, уларнинг давомийлиги ва устуворлигини талаб этади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган концепцияда қуйидаги тўртта асосий негиз устувор ўрин эгаллайди:

ўқувчиларда экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини сингдириш;

тарихий меъморий обидалар, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

инсонпарварлик ғояларига содиқлик;

ўқувчиларни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби олижаноб ғоялар руҳида тарбиялаш.

Тадқиқотларимиз давомида биз, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг таркибий компонентларини тарбиялаш механизмларини таҳлил қилдик. Бу мураккаб педагогик жараён бўлиб, уни амалга оширишда дидактика, тарбия назарияси, таълим менежментида олға сурилган илғор инновацион ғояларга таянган ҳолда иш кўриш талаб этилади. Ушбу жараёнда оила, таълим муассасалари, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Бу, биринчи навбатда, тарбия жараёни объектларининг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методлари, воситаларини танлаб олишни тақозо этади. Шу боис, умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасида туризмни ривожлантириш мавзусига кам соат ажратилганлиги нуқтаи назаридан биз «Ёш ватанпарвар саёҳатчи» тўғараги фаолияти доирасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Болалар туризмни мактабларда ривожлантириш” дастурини ишлаб чиқдик ва дастурда ўқитувчиларнинг методик компетентлигини ривожлантириш масалаларига ҳам эътиборни қаратдик.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг мазмуни, инновацион шакл ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг мазмуни ва моҳияти, 5-9-синф ўқувчиларида дарс жараёнида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг инновацион тизими, 5-9-синф ўқувчиларида дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларда мультимедияли технологиялар воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш методи (маданий мерос объектлари ва зиёрат туризмнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш асосида) илғор тажрибаларга таяниб, илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш LOGFREIM технологияси, TIMSS, PISA, PIRLS дастурлари асосидаги дидактик имкониятлари, мазмун-моҳиятини очиб бериш, шахснинг ўз-ўзини англаши ва ўз мустақил фикрининг ривожланиши билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо қилади. Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи – халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Умуминсоний кадриятлар адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва ватанпарварлик қабилар ҳисобланади.

Биз ташкил этган “Ёш ватанпарвар саёҳатчи” тўғараги ўқув машғулоти жараёнида олиб борилган семинар-тренинг ва мулоқотлар ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда ўқувчиларнинг туризм маданиятини юксалтириш, маҳаллаларда ички туризмни ташкил этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўқувчиларни жамиятни маънавий

янгилаш жараёнларининг фаол иштирокчиси руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш жараёнида педагогларнинг тарбияланганлик даражаси тегишли мезонларга жавоб бериши керак. Чунки ўргатувчининг ўзи жамиятда қабул қилинган ахлоқий нормалар эгаси бўлмаса, у ҳеч вақт бошқаларни юқорида қайд этилган ватанпарварлик хусусиятларига ўргата олмайди. Ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришда педагог шахсига муайян талаблар қўйилади. Зеро экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш фақат билимлар мажмуи эмас, балки шахснинг ҳаёти давомида садоқати, инсонпарварлиги ва одамийлиги каби фазилатларини, жамият аъзолари билан ҳамжиҳатликда яшаш кўникмаларини камол топтиради.

Шу боис, таълим-тарбия жараёни педагогдан қуйидаги педагогик шарт-шароитларни таъминлашни талаб қилади:

тарбия тамойиллари бўйича чуқур билимдонлик ва амалий саъй-ҳаракатларга тайёрлик, ўзи ва ўз фаолияти орқали ватанпарвар инсон андозаси ва имижини кўрсата олиш, педагогнинг ёшлар учун ўрнак бўлиш;

тарбияни ижтимоий ҳаёт билан боғлаб олиб бориш;

ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, муҳокама ва ижодий бағрикенглик вазиятини ташкиллаштириш, ижодий ва интеллектуал эркинлигини вужудга келтириш асосида суҳбат, мулоқот ва баҳслашиш, диний бағрикенглик маданиятига ўргатиш, толерантлик кўникмаларини изчил ва давомий мустаҳкамлаш, мустақил фикрлаш, ўзгалар фикрини қадрлашга одатлантириш;


тарбияда ўқувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, салбий томонларни бартараф қилиш;

ёшлар туризмни ривожлантиришда жамоат ташкилотлари, оила, маҳалла ва бошқа ижтимоий институтлар ҳамкорлигида ўқувчиларда Ватан равнақи учун курашиш ҳиссини қарор топтириш.

Тадқиқот жараёнида биз, тўғарак машғулотлари асосида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга эришдик. Қуйида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришда тўғарак машғулоти мазмуни схемасини тақдим этамиз (1-расм).

Дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар воситасида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш технологиялари (маданий мерос объектлари ва зиёрат туризмнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш асосида) бевосита тўғарак раҳбарлари, яъни педагогнинг касбий компетентлигига ҳам боғлиқ бўлиб, бу компетенциялар бирор соҳани чуқур билиш, кўп нарсалардан хабардорлик, ўз мутахассислиги бўйича муҳим эътиборга молик мотивацион, гностик, методологик, методик, информацион, коммуникатив, рефлексив, прогностик, конструктив, тадқиқот, технологик, коррекцион турларидан иборатдир.

Қуйидаги схема умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнида, тўғарак фаолиятида фойдаланишни йўлга қўйишнинг педагогик компонентлари, таълим тамойиллари, инновацион ёндашув, жараёнлар, ўйинли технологияларни ўз ичига олган бўлиб, ўқув материалдан фойдаланишдан кўзланган мақсад ва ўқув материални муваффақиятли ўзлаштиришга олиб келади. Бошқача айтганда, таълимга инновацион ёндашув жараёни ўз-ўзидан жорий этилмайди, балки илмий асосда мазмун ва мантиқийликни таъминлаган ҳолда қўлланади. Демак, инновацион ёндашув ўқув материални тушунарли қилишга ёрдам бериш билан бирга унинг илмийлигини ҳам таъминлайди.



1-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган туризм тўғараги машғулотларини ташкил этиш схемаси

Умумий ўрта таълим мактабларида фан ва тўғарак ишлари давомида ўқитувчи фаолиятининг имкониятлари таълим тизими кўламида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда инновацион ғоялар, лойиҳалар, технологияларни жорий қилишда ва шахсни ривожлантиришда намоен бўлади. Бу фаолият имкониятлари ўзида қуйидагиларни жамлайди: педагогнинг янгиликни қўллашга тайёрлиги; ўқитувчининг педагогик янгиликни қабул қилиши; жамоада ўқитувчининг новаторлик даражаси;

ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг ривожланганлиги; ўқитувчининг ижодкорлик даражаси.

Ўқитувчиларнинг янгиликни ўзлаштиришга тайёрлиги мезонлари ўқитувчи мотивацияси, малака тайёргарлиги, педагогик тажриба-синов ишларини амалга ошириш борасидаги билим, кўникма ва малакалари, инновация йўлидаги тўсиқларни бартараф эта олиш маҳорати билан белгиланади.

5-9-синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини экскурсия туризми воситасида шакллантириш – жамиятнинг барча жабҳаларида ёшлар мафкуравий иммунитетини ривожлантиришга қаратилганлиги сабабли тарбия самарадорлигини оширишнинг янги йўллари, воситалари ва методларини топиш лозим. Янгилик киритиш таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам ривожланган давлатлар таълим жараёнига доимо, узлуксиз янгилик киритишга ҳаракат қиладилар. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, инновацион жараёнларда таълим тизимидаги барча бўғинлар иштирок этиши лозим. Аммо инновацион жараёнлар юқоридан пастга қараб ҳаракатланса ва бунда ўқитувчи бўйсунувчи, яъни янгиликнинг фақат истемолчиси бўлиб қолади.

Шунингдек, биз тадқиқотлар жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш механизмлари контекстида таълимнинг анъанавий уч элементи: “Билим – Кўникма – Малака”ни олтига бириктириб: “Билим – Кўникма – Малака – Амалий фаолият тажрибаси – Тарихийлик тамойили – Миллий қадриятлар” тарзида педагог олим Б.Ходжаев фикрларига таяниб такомиллаштирдик.

Олимнинг мулоҳазаларига асосланиб айтиш мумкинки, ватанпарварлик тарбияси – ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган муҳим инфраструктураси: миллий қадриятлари, маданияти ва урф-одатлари, анъаналари замирида тарбияланиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тарбия жараёни билан фақатгина умумий ўрта таълим мактаби педагоглари шуғулланиши керак, деган тушунча пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Ватанпарварлик тарбияси умумий ўрта таълим мактабида маълум бир ҳудудий ўқув-илмий тизимни ривожлантирилишини назардан тутадиган истиқболдаги стратегик вазифа ҳисобланиб, “Мактаб – оила – маҳалла” ҳамкорлигидаги учлик асосида ташкил этилса, мақсадли давлат дастурларида акс этган туризм инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар, механизмлар ижросини таъминлашда маълум даражада хизмат қилади. Ўтказилган тадбирлар таҳлили натижасига кўра умумий ўрта таълим мактабларида ички туризмни ривожлантиришни 5-9 синф ўқувчиларида “Мактаб – оила – маҳалла” ҳамкорлигидаги учлик асосида ташкил этилиши ижобий самара беради.

Тажриба-синов ишлари жараёнида биз “Видеотопишмоқ” методидан самарали фойдаландик. Мазкур метод ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва дунёқарашларидан келиб чиқиб ижодкорлик қобилиятини, мустақил индивидуал ишлаш малакаларини оширишга хизмат қилди. Айтиш

мумкинки, сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёнини ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб биз видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширидик:

– ўқувчилар эътиборига “Юртим бўйлаб саёҳат” мавзусининг моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳалар намойиш этилади (видеолавҳада Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойлари, меъморий обидалари акс этган) ;

ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайди;

жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этади;

ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтаради.

Мазкур технология ёрдамида мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида 5-9-синф ўқувчилари ўртасида “Мен севган тарихий шаҳар”, “Мен ёқтирган тарихий қаҳрамон” мавзусида тадбир ташкил этилгани ижобий самара берди. Ўқувчиларга “Сизга тадбир маъқул бўлдимиз, сиз бу жараёндан қандай таассурот олдингиз? - деган саволлар билан мурожаат қилганимизда улар жуда “маъқул бўлганлигини, шунингдек, “ақлий тарихий саёҳат” уларга мароқ бахш этганлигини билдирди.

Тадқиқот жараёнида педагогларга махсус педагогик-психологик шароитларга мослаштирилган, экскурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилувчи креатив технологияларга асосланган методика таклиф этилди. Ушбу методика мазмунида ўқувчилар учун ўқув ва аудиториядан ташқари ишлар жараёнида муаммоли ва амалий машғулотлар, ижодий семинарлар, лойиҳалаш ва моделлаштириш орқали ҳамда интегратив-ижодий топшириқлар тўплами воситасида «Ёш ватанпарвар саёҳатчи» тўгараги фаолияти Дастури ишлаб чиқилди.

